



# ХАЛҚ МИНБАРИ

Beruniy tumanining ijtimoiy - siyosiy va ommaviy gazetasi

Gazeta 1946-yilning 1-avgustidan chiqa boshlagan

2021-yil, 12-fevral, №6 (6385), juma

e-mail: xojaniyazova.lola@mail.ru / e\_xat: l.xojaniyazova@exat.uz  
"XALQ\_MINBARI\_BERUNIY | Uyda qoling" Rasmiy Kanali.

## 2021 йил "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Президент Фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб – қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.

Фармон билан Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган вазифалар, жорий этиладиган тартиб ва амалиётлар белгиланди. Давлат дастури 274 банддан иборат бўлиб, унда белгиланган тадбирларни амалга оширишнинг жами харажатлари 29,5 трлн сўм, 2,6 млрд доллар ва 57,5 млн еврога ташкил этади (мазкур миқдор 2020 йилда 18,2 трлн сўм ва 10,3 млрд АҚШ долларини ташкил этган).

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БЕРУНИЙ ТУМАН КЕНГАШИ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёвнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифаларни муҳокама қилиш тўғрисида

2020 йилнинг 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномасида мамлакатимизни келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича, устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб берди.

Хусусан, 2021 йилдан маҳалаларда 1000 дан зиёд касб – ҳунарга ўқитиш марказлари ташкил этилиши;

Бунда касб – ҳунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 млн. сўмгача субсидия берилиши, бунинг учун бюджетдан 100 млрд. сўм ажратилиши;

Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бош – ламоқчи бўлган фуқароларга ускуналар харид қилиш учун 7 млн. сўмгача субсидиялар берилиши;

ҳар бир туманининг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шу – гулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилиши;

Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бан – дликка кўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғ – армаларидан 500 млрд. сўм йўналтирилиши;

Вақтинча ишсизлик нафақаси 3 баробаргача оши – рилиши ва бунда 6 та ҳужжат талаб этиладиган эски бюрократик тартиб бекор қилиниши;

Шунингдек, 2021 йил мамлакатимизда "Ёшларни қўллаб – қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳ – камлаш йили" деб эълон қилинди. 2021 йил номида белгиланган соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёвнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24 – моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Беруний тумани Кенгаши

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган муро – жаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалар юзасидан Беруний тумани ҳокими А. Х. Сапарбаев – нинг, ҳоким ўринбосарлари У. Усманов, А. Рейим – баев, М. Курбанбаевларнинг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёвнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Беруний тумани бўйича 2021 йилда амалга ошириладиган чора – тадбирлар дастури иловага мувофиқ, тасдиқлансин.

3. Сектор раҳбарлари (Сапарбаев, Халмуратов, Абдилов, Кенжаев) ҳамда ҳоким ўринбосарлари (Примов, Юсупов, Усманов, Рейимбаев, Курбанбаев –

ва, Урунбаев) тегишли ташкилотлар раҳбарлари би – лан биргаликда Беруний тумани бўйича 2021 йилда амалга ошириладиган чора – тадбирлар дастурига ки – ритилган лойиҳалар ва тадбирларнинг ўз муддатла – рида ва сифатли ижро қилинишини таъминласин.

4. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, туман ҳокимининг ўринбосари – Маҳалла ва оилани қўллаб – қувватлаш бўлими бошлиғи (М. Курбанба – ева) овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларни раислари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Прези – денти Ш. М. Мирзиёвнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўз – бекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномасида белгилаб берилган устувор ва – зифаларни овул ва маҳалаларда аҳоли орасида кенг тарғиб қилсин.

5. Туман ҳокими ўринбосарлари (Примов, Юсу – пов, Усманов, Рейимбаев, Курбанбаева, Урунбаев) ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбарларига:

дастурда назарда тутилган чора тадбирлар бўйича аҳолини хабардор қилишда оммавий ахборот воси – талари, шу жумладан, интернетдаги ижтимоий тар – моқлар имкониятларидан кенг фойдаланиш;

туманининг ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичлар – нинг ўсиши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқ – дори, ижтимоий ҳимояга ажратилган маблағлар, аҳо – лининг реал даромадларини доимий ошириш бўйича белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш;

2021 йилда туманда ичимлик суви, канализация ҳамда иссиқлик таъминоти тизимларини реконструк – ция қилиш бўйича лойиҳа – смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

тумандаги бўш турган бинолар, қурилиши тугал – ланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ер май – донлари ҳамда мазкур объектлар негизида инвести – ция лойиҳаларини амалга ошириш;

тумандаги овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича секторлар ва маҳалалар ке – симида тегишли чора – тадбирлар белгилаш;

инвестицион лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилиши ҳамда бунда янги иш ўринлари яратилишини таъминлаш вазифалари тошширилсин.

6. Беруний тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (А. Уразова), "Халқ минбари" газетаси (Л.Ходжани – язова) мазкур қарор ижроси бўйича амалга ошири – лаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгаши раисининг ўринбосари М. Кадилов зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор туман "Халқ минбари" газетасида нашр қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб – сайтга жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Халқ депутатлари Беруний туман Кенгаши раиси

2021 йил 12 январь

А. Х. САПАРБАЕВ.

20/92–сон.

9 февраль куни буюк мутафаккир, шоир, ғазал мулканининг султони Мир Алишер Навоий таваллуд топганига 580 йил тўлди.



"Кимки илмларни ўрганса – ю, улар – ни ишда қўлламаса, гўёки ариқ қазиб, ерга экин экмаган ёки экин экиб, унинг ҳосилидан фойдаланмаган одам кабидир."

А. НАВОИЙ.

### ШОИР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНГАН МАЪНАВИЙ – МАЪРИФИЙ ТАДБИР

9 февраль куни туманимиз марка – зидаги Болалар musiқа ва санъат мак – табида ўзбек адабиётининг султони А. Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган маънавий – маърифий тадбир бўлиб ўтди. Мазкур табирда мактаблар, тумандаги Болалар Musiқа ва санъат мактаби ўқувчилари, туман маданият бўлими ходимлари ижросида Алишер Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ижро қилинди, театрлаштирилган саҳна кўринишлари намойиш этилди.





**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БЕРУНИЙ ТУМАН КЕНГАШИ ҚАРОРИ**

**Халқ депутатлари Беруний тумани Кенгаши котибияти мудирини тайинлаш тўғрисида**

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига ҳамда Халқ депутатлари Беруний тумани Кенгаши котибияти тўғрисидаги Низомнинг 7-бандига мувофиқ, Халқ депутатлари Беруний тумани Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Беруний тумани Кенгаши депутати Сейтимов Бахтияр Розимович Халқ депутати Беруний тумани Кенгаши котибияти мудирини тайинласин.

2. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси ўринбосари М. Кадилов зиммасига юклатилсин.

3. Ушбу қарор "Халқ минбари" газетасида ҳамда туман ҳокимлиги веб-сайтида эълон қилинсин.

4. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Халқ депутатлари Беруний туман Кенгаши раиси А. САПАРБАЕВ.**  
2021 йил 12 январь. 20/93-сон.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали ташкил этилди**

Мамлакатимизда жамиятнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш давр талаби ҳисобланади. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада юксалтиришни таъминлаш, бозор иқтисодиёти Қонунари ҳуқуқий асосларини яратиш, инвестициявий муҳитни шакллантириш ва хусусий мулк даҳлсизлигини таъминлаш ҳамда уни ишончли ҳимоя қилиш, миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлаш, замонавий фикрлайдиган ва мустақил равишда қарорлар қабул қиладиган билимли юридик соҳа вакилларига боғлиқдир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юқори малакали юрист кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшуносларнинг касбий тайёргарлигини тубдан яхшилашни тақозо этади. Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрда "Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта таёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 544-сонли Қарорининг қабул қилиниши муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Ҳукуматнинг ушбу қарорига асосан, Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказининг юридик шахс ташкил этилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси филиали ташкил этилди.

Филиал ўз фаолиятини давлат хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нотариал идоралар, ФХДЭ ва адвокатура ҳамда бошқа ташкилотлар билан бирга ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Хусусан, бутун филиалда ўқув жараёни замонавий инновацион педагогик технологиялар, интерфаол методлар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда ҳамда масофавий таълим шаклида Марказ раҳбарлигида ташкил этилади.

Замонавий шароитларда кадрларнинг касбий билим ва савиясига қўйилаётган талабларни ҳисобга олиб, жойларда ишдан ажралмаган ҳолда ўқитишнинг замонавий инновацион методлари ва педагогик технологияларини, шу жумладан, ахборот технологиялари имкониятларини кенг қўллаш орқали малака ошириш курсларини ташкил этиш ва малака ошириш курсларига жалб қилиш учун талабгорларнинг эҳтиёжларини ўрганиш, уларни излаш ҳамда янги йўналишлар бўйича қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш филиалнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

**Ш. АТАНИЯЗОВА,**  
Юристар малакасини ошириш маркази  
Қорақалпоғистон Республикаси филиали бош мутахассиси.

**БЕРУНИЙДА ЎТКАЗИЛГАН ТАРҒИБОТ ТАДБИРИ**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси 2-алоҳида отряди ходимлари томонидан Беруний туманидаги 52 ва 62-сонли мактабларда ҳамда тумандаги кўп хонали биноларда яшовчи фуқаролар орасида қўриқлаш хизматининг афзалликлари тўғрисида тарғибот ишлари олиб борилди. Ўтказилган тарғибот ишлари жараёнида 2-алоҳида отряди ТҚП бошлиғи капитан А. Сапаев фуқароларга Миллий гвардия Қўриқлаш хизмати томонидан жорий этилаётган янги замонавий технологиялар асосида хизмат кўрсатишнинг аҳамияти ҳақида тушунтириб ўтди. Шунингдек, қўриқлаш сигналзациялари орқали ишончли хизмат турларидан фойдаланишни ўзларига маъқул топган фуқароларнинг яшаш хонадонлари қўриқловга қабул қилинди. Тарғибот ишлари соҳа ходимлари томонидан бошқада ҳудудларда самарали давом этмоқда.

**СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ҚАЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИЛМОҚДА**

Миллий гвардия ходимлари томонидан бутунги кунда юртимизда спорт соҳасини ривожлантириш ва ёшлар ўртасида спорт мусобақаларининг мунтазам равишда ўтказилишини таъминлаш мақсадида ўзларининг самарали хизматларини кўрсатиб келмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси 2-алоҳида отряди ходимлари ва Беруний тумани халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда уюшмаган ёшлар орасида "Спорт - соғлиқ гарови" шиори остида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақаси ўтказилди. Мусобақага 30 нафар уюшмаган ёшлар гуруҳидан ташкил топган 6 та жамоа иштирок этиб, ўзаро қизгин баҳс олиб борди. Голибларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

**Б. МАДРАҲИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Қорақалпоғистон Республикаси қўриқлаш  
бошқармаси 2-алоҳида отряди командири, майор.

**TAHRIRIYATGA MAKTUB**

**NAJOT FARISHTALARI**

Butun dunyoda insoniyatni tashvishga solayotgan koronavirus pandemiyasiga qarshi kurash borayotgan hozirgi davrda O'zbekistonda xususan, Beruniy tumani tibbiyot birlashmasida ham tibbiyot xodimlari kechayu kunduz astoydil mehnat qilib, bemorlarni o'z vaqtida samarali davolab, yangidan hayotga qaytarmoqdalar, natijada aholining hurmat va minnatdorchiligiga yana bir sazovor bo'ldilar.

O'tgan 2020-yili men va oilam uchun ancha xavotirli yil bo'ldi. Meni tuman shifoxonasiga olib kelganda sog'ligim ancha og'ir ahvolda edim. Davolovchi oliy toifali shifokor Go'zal Matkarimova ko'rsatmasiga asosan, har tomonlama tekshiruvlarni o'tkazib tashhis qo'yishdi. Bo'lim hamshiralari Sabohat Qurbonova va Xurshida Qutlimuratovalar davolovchi vrach ko'rsatmasi bo'yicha dori-darmonlar iste'mol qilishimni va boshqa muolajalarimni o'tkazishni boshladilar. Shuningdek ular menga va boshqa bemorlarga, o'zlarining shirin so'zlarini, mehribonligi bilan bu kasallikdan tezda sog'ayib, sog'ligimizning tiklanishiga ishonch hamda katta umid uyg'otdilar.

Men va boshqa bemorlar bu hamshiralarning biz yotgan palataga kirib kelishini xuddi najot farishtalariga o'xshatar edi. Sababi ularning shirin so'zlari bilan ancha yaxshi bo'lib qolganimni, yaqin kunlarda to'liq sog'ayib, shifoxonadan chiqishimni aytib, doimiy ravishda ko'nglimni ko'tarib, o'z vaqtida zarur muolajalarni o'tkazar, sog'ligimni doimiy ravishda nazorat qilar, zarur paytida qo'shimcha dori-darmonlarni berib

**КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ ВА УНИНГ БАЖАРИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАР**



Кредит деганда, ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маъlum муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатлар тушунилади. Ушбу муносабатлар кредит шартномаси билан тартибга солинади. Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Кредит шартномаси тузилгандан бошлаб тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келади. Юқорида қайд қилинган Пленум қарорига кўрсатилишича, банк ёки бошқа кредит ташкилоти ва қарз олувчи ўрта-сида кредит шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабат кредит ташкилотининг кейинчалик, келишилган муддатларда, кредит бериш (кредит лийниси очиш) мажбуриятини ва қарз олувчининг олинган кредитни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади. Бунда кредит ташкилотининг қарз олувчига кредит суммасини бериш (ҳисоб вараққа ўтказиш) бўйича реал шартномавий мажбуриятлари шартнома тузилган пайтдан бошлаб, қарз олувчининг фоизларни тўлаш, кредитни қайтариш бўйича шартномавий мажбуриятлари эса, агар тарафлар келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, кредит суммаси реал олинган пайтдан бошлаб вужудга келади. Шу муносабат билан судлар кредит ташкилотлари ва қарз олувчиларнинг тарафларни кредит шартномасини бажаришга мажбурлаш тўғрисидаги даъволарини кўришда тарафларнинг тузилган ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келган пайтти инобатга олишлари лозим. Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, судлар тажрибасида кредит шартномалари билан боғлиқ ишларнинг даъво тартибда кўриб чиқилиши бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ эркинликларини ҳимоя қилишнинг бир тури ҳисобланади, бу ишларнинг тегишли тартибда биринчи инстанция суди томонидан кўрилиб, иш бўйича тўпланган далилларни бевосята текшириб чиқиш ва ишнинг мазмуни бўйича адолатли қарор қабул қилиш, бундан ташқари энг асосийси, судларда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ эркинликларининг адолатли ҳимоя қилинишига қўшимча кафилик яратади.

**Б. Т. БЕКМУРАТОВ,**  
Беруний туманлараро иқтисодий суди судьяси.

borardi, bundan tashqari ovqatlanish va dam olishimizni ham nazorat qilib borar edilar.

O'tkazilgan muolajalar o'z natijasini berdi. Men shifoxonadan to'la sog'ayib o'z uyimga sog' - omon chiqib keldim. Meni davolashda sidqidildan, o'z kasbiga sodiqlik bilan xizmat qilgan barcha tibbiyot xodimlariga xususan hamshiralari Sabohat Qurbonova va Xurshida Qutlimuratovalarga chin ko'ngildan kattadan - katta rahmat aytaman hamda ularning kasbiy faoliyatida muvaffaqiyatlar tilayman. Ilohim 2020-yildagi qiyinchiliklar ortda qolgan bo'lsin. Men xavotirli kunlar takrorlanmasligi uchun hammani sergaklikka, sog'lik qadriga yetishga, ogohlikka chorlayman. 2021-yilimiz nomlanishidayam shu maqsad mujassam.

**Jumaboy RO'ZIMOV,**  
"Nayman" MFY, pensioner.



## БУ ШУНЧАКИ РАСМИЯТЧИ- ЛИК УЧУН ЭМАС!

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА АҲОЛИ- НИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Аввало, аҳолининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқа – ролиги, миллий таркиби (барча аҳоли пунктлари бўй – ича), оилавий аҳоли, маълумоти, касби, уй – жой би – лан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, бандлиги ва ишсизлиги, даромад манбалари кабилар бўйича батафсил маълумот тўпланади.

Бинобарин, мазкур кўрсаткичлар орқали аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиқтисодий кўр – саткичлар ҳисобланади. Ўз навбатида, юртдошлари – миз миграцияси тўғрисида аниқ маълумотлар шакл – лантирилади. Бундан ташқари, республика ва ҳудуд – ларни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дас – турларни манзилли ишлаб чиқиш имконияти кенга – яди. Чунончи, аҳоли пунктлари инфратузулмасини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдала – ниш ва самарали жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда бу маълумотлар ниҳоятда қўл келади. Шунингдек, аҳолининг рўйхатга олиш натижасида миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритиш, халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар таҳлиллари учун кенг қамровли ахборотлар манбаи яратилади.

Л. КАДИРОВА,

Беруний тумани статистика бўлими етакчи мутахассиси.

## САКСОВУЛ ЧОПГАННИНГ ЖАЗОСИ ОФИР БЎЛДИ...

2021 йил 11 январь куни Қорақалпо – гистон Республикаси Орол табиати му – ҳофаза қилиш прокуратураси ва Беруний тумани экология ва атроф муҳитни муҳо – фаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси инспекторлари билан бир – галикда ўтказилган тунги рейд тадбири натижасида фуқароларимиз томонидан ноқонуний равишда давлат заҳира еридан саксовул ўсимлигини чопиб олинган қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ҳолат юзасидан қонунбузар фуқароларга нис – батан тегишли ҳужжатлар расмийлашти – рилиб, Маъмурий Жавобгарлик тўғриси – даги Кодекснинг 79 – моддаси 1 – қисмига асосан жарима ва табиатга етказилган за – рарини қоплаш учун даъво ҳисобланди.

Жамол БАБАШЕВ,

Беруний тумани Экология ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида – ги назорат бўйича инспекцияси бошлиғи.

## ҚУШГА ОЗОР ЕТКАЗГАННИНГ АҲВОЛИ ВОЙ..

Беруний назорат инспекцияси 2021 йил 22 январь куни олиб борилган рейд тадбирларида Беруний тумани Махтумқули ОФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро Қ. Х. ўзининг ов қуроли ёрда – мида йўлланмасиз, 1 дона қирғовул қушини ов – лаб, Ўзбекистон Республикаси "Ҳайвонотлар ду – нёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида" ги Қонуннинг 33 – моддаси талаб – лари бузилишига йўл қўйган. Ҳуқуқбузарга нис – батан баённома расмийлаштирилди ва 446000 сўм зарар ҳисобланиб, туман ЖИС томонидан 3 345 000 сўм жарима солиниб, ов қуроли мусо – дара қилинди.

Музаффар ХАЛИМБЕТОВ,

Беруний тумани Экология ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича 1 – даражали инспектори.

## ФАРМОН ВА ИЖРО

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ "КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ- НИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА" ГИ ҚАРОРИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кўчмас мулк объектла – рига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхати – дан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида" ги Қарори ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистон Республи – каси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбир – лари тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги ПФ – 5490 – сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси – нинг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини янада яхшилаш чора – тадбирлари тўғри – сида" 2018 йил 13 июлдаги ПҚ – 3852 – сон Қарорининг ижроси юзасидан, шунинг – дек, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳу – қуқларни рўйхатдан ўтказиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган.

Ушбу ҳужжатда кўчмас мулк объект – ларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйха – тидан ўтказишнинг ягона қоидаларини белгилаш, юридик ва жисмоний шахсларга Давлат реестри маълумотларидан эркин фойдаланиш имкониятини бериш, юри – дик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини рўйхат – дан ўтказиш учун уларга қулай шарт – шароитлар яратиш мақсадида ваколатли органлар ўртасида ахборот – коммуника – ция маълумотлар алмашинувини жорий этиш, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кўчмас мулк объек – тларига бўлган ҳуқуқларнинг Давлат ре – естрдан электрон кўчирма бериш, ни – золарни судгача ҳал қилиш механизмни жорий этиш назарда тутилган. Бу ўз на – вбатида, муҳим ҳужжатнинг мазмун – мо – ҳияти ва ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳа – мияти қанчалик салмоқли эканлигини кўрсатиб турибди.

Руслан КЕНЖАЕВ,

Беруний тумани Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси.

## ЙЎҚОЛГАНЛИГИ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ:

– Кузибаева Нигора Джумабаевнага Беруний ТХТБга қарашли №70 – умумий ўрта таълим мак – табининг 11 – синфини 2001 йили тамомлагани учун берилган О'Р – №0933875 – рақамли шаҳо – датнома (аттестат).

– Дурдибаев Елдор Даврон ўғлига Беруний ту – манидаги 53 – умумий ўрта таълим мактаби то – монидан 2018 – 2019 ўқув йилида 11 – синфни та – момлагани учун берилган УМ № 0004581 – рақамли шаҳодатнома.

– "Беруний курилиш таъмир ва бутлаш" МЧЖга тегишли 2,8 метр кубли Liu Gong русумли фронтальный погрузчикнинг 95 FA 295 давлат ра – қам белгиси.

– Жуманиязов Санжар Нуруллаевичга Тўрткўл Банк коллежи томонидан 2013 йили берилган К №2770672 – рақамли диплом (рўйхат рақами № 5752).

– Авезова Гўзал Сапарбаевнага Беруний ту – манидаги 8 – умумий ўрта таълим мактаби томо – нидан 1996 йили 9 – синфни тамомлагани учун бе – рилган № 005 392 – рақамли шаҳодатнома.

– Қорақалпоғистон Республикаси Беруний ту – манида 1982 йил 5 – сентябрда туғилган Маша – рипова Саида Мақсудовнага 1997 – 1998 ўқув йи – лида Беруний туманидаги 62 – сонли (собиқ 5 – сон Терешкова номи) мактаб томонидан мазкур мак – табнинг 9 – синфини тамомлагани учун берилган О'Р – № 0008639 – рақам белгиси шаҳодатнома.

– Беруний туманидаги "Найман" МФЙда 2002 йили туғилган Бекниязов Анваржон Отабек ўғлига 2019 – 2020 ўқув йилида Беруний туманидаги 31 – умумий ўрта таълим мактаби томонидан берилган УМ 029 7872 – рақамли 11 – синфни тамомлагани тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги учун бекор қилинади.

## Э Ў Л О Н

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси – нинг 2019 йил 9 апрелдаги Чақирилувчиларни танлаб олиш тўғрисидаги 291 – сонли Қарори ижросини таъминлаш ҳамда Беруний тумани ҳокимининг 2020 – йил 7 август кундаги 705 – сонли қарори ижросини бажариш ва Қуроли Кучлар таркибини интеллект – туал салоҳиятли, ахлоқий – руҳий жиҳатдан етуқ, юксак билим ва жисмонан бақувват чақирилув – чилар билан тўлдириш ҳамда фуқароларни 2021 йил муддатли ҳарбий хизматга сифатли саралаб олиш учун Беруний тумани Мудофаа ишлари бўлимида 2020 йил 8 сентябрдан танлов ўтказиб келинмоқда. Тумани – миздаги барча 18 – 27 ёш оралиғидаги чақирилувчи – ларни Беруний тумани мудофаа ишлари бўлимида умумжисмоний тайёргарлик ва яқна тартибда суҳ – батда қатнашиши мумкинлигини билдираемиз.

ТУМАН МУДОФАА ИШЛАРИ БЎЛИМИ.

## Қорақалпоғистон Республикаси "Беруний авлодлари" жамоат фондининг 2020 йилги фаолияти тўғрисида А Х Б О Р О Т

"Беруний авлодлари" жамоат фонди 2020 йилда ўз фаолиятини Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг "Жамоат фондлари тўғрисида" ги Қонунлари, ўз Устави доирасида олиб борди ҳамда қуйидаги молиявий – хўжалик иш – ларини амалга оширди.

Фонднинг ҳисоб варақасидаги пул айланмаси қуйидагича:

Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ 14974559, 8 сўм.  
Ноширлик фаолияти учун – 8 600 000 сўм.

Грандлар – йўқ.

Ҳомийлардан – 2592126,75 сўм.

Жами: 11192 126, 75 сўм.

Ходимлар иш ҳақига 6 250 000 сўм

Солиққа – 3 295 653.

Хизмат сафари, коммунал тўлов, ижара ҳақи, Интернет алоқа, банк хизматларига 3814567, 18.

Бошқа харажатлар (китоблар наشري) 9 700 000

Жами: 23 060 220, 18.

Ҳисобот даври охиригача қолдиқ 3 106 466, 37 сўм.

Қорақалпоғистон Республикаси "Беруний авлодлари" жамоат фонди Бошқарув Кенгаши.

## Э Ў Л О Н

Барча кичик корхоналар ва микрофирмалар 2021 йилнинг 26 февралгача 1-кв (Кичик бизнес) йиллик ҳисоботи ва барча фермер хўжаликлари 2021 йилнинг 25 февралгача 1-FX (фермер хўжаликлари) йиллик ҳисоботларини eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда WWW.stat.uz интернет сайти орқали электрон шаклда топшириши кераклигини маълум қилади.

Тел: (861) 524-2463.

ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.



**ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ**



Бугунги кунда мамлакатимизда суд – ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Айнан мавзу билан боғлиқ, яъни суд қарорларини қайта кўриш институтини ислоҳ этиш ва уни янада такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида"ги Фармони катта аҳамиятга эга бўлди.

Чунки, ушбу Фармонга асосан, 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

Ушбу судларга туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш ваколати берилиб, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция судида ва апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини кассация тартибида кўриш ваколати Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатларига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқилиши белгилаб берилди.

Суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқи бекор қилинди.

Фармонда белгиланган вазифаларга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январь кунги ЎРҚ – 663 – сонли Қонуни билан суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

**Қ. О. ХОЖАМУРАТОВ,**  
Беруний туманлараро иқтисодий судининг судьяси.

**БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ: ИСЛОҲОТЛАР ВА ОДАМЛАРГА ИМКОНИАТЛАР**

**"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими тўғрисида биласизми?**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги "Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида"ги 308 – сонли қарорига асосан кам таъминланган оилаларга "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида" вақтинчалик Низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 август кунги тегишли Қарорига асосан, 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб, республика ҳудудида босқичма – босқич ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиби – таомиллари "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур Низомга асосан, бола икки ёшга тўлгунча қадар уни парвариш қилиш бўйича, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш амалга оширилиб келинмоқда.

Яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўзи келиб, вақтинчалик Низомнинг 2 – иловасига мувофиқ, ёзма шаклдаги аризани тўлдириш йўли билан мурожаат қилиниши белгиланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар уч иш кунида камида бир маротаба, бироқ ариза берилган ойнанинг 18 – кунидан кечиктирмай оиланинг таркиби ва иқтисодий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни тегишли Пенсия жамғармаси бўлимига "Ягона реестр" АТга киритиш учун тақдим этади.

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимининг жорий қилиниши бугунги шиддат билан ўтаётган даврда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш имконини беради. Бу ўз навбатида ижтимоий ҳимоянинг энг ишончли манбаси саналади.

**И. АТАБОВ,**  
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи муовини.

**ТУЗАТИШ**  
Газетамизнинг ўтган сони пешлавларидаги иккинчи устун "2021 йил, 28-yanvar, №5 (6384), payshanba", деб тузатиб ўқилсин.

**И с т а д и м**

Қон ютуб умри жаҳон аҳлида бир ёр истадим,  
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимга ким жоним фидо айлаб соғиндим дам – бадам,  
Эрмас эрди ёрликда чун вафодор истадим.

Билмадим олам элида йўқ турур мутлақ вафо,  
Ваҳки, умри улча йўқтур соғиниб ёр истадим.

Улки, топилмас башар жинсида ваҳ гафлат кў – рунг,  
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Сирри ишқимни кўнгул кўз бирла фош этмак не тонг,  
Қалбу тардоманни мен чун соҳиб асрор истадим.

Шайх бирла хонаҳақдин чун ёруғлуқ топмадим,  
Дайр пири хизматиға кўйи хаммор истадим.

Эй Навоий, чун рафиғи топмадим, бу гуссадин,  
Ўзни бекаслик балосига гирифторм истадим.

**А. НАВОИЙ.**

**ТАҲРИРИЯТГА ШЕЪРИЙ МАКТУБ**

**ОНАМ КЎЗИ КЎРСАЙДИ...**

Қайнонамга бағишлайман. У гарчи кўзлари кўрмасда, умрининг то охиригача кунгача умид билан яшади. Мен ҳайратланиб, юрак туйғуларимни шеърий сатрларга туширганимни айтганимда, нимагадир ойижоним "Менга шеър ёзиб, мени газетга чиқармоқчимсан?", деб қолди. Мен ваъда беришга ожиз эдим. Сабаби мен оққа туширган сатрлар шеър эмас, оддий юрак сўзлари эди, холос...

**Муаллифдан.**

Мен ночор онамнинг ноласин тинглаб,  
Қалбимда исёнлар тикланди ногоҳ.  
Айтар у: "Кўзларим кўрмайди сира  
Наҳотки даво йўқ кўзим нурига!".

Эй, танграм, илтижо қилай мен сизга,  
Шу онам кўзига шифо сўрай деб.  
Еру осмон қуёшни бир бора кўриб,  
Қувонсин, яшнасин, дуо ўқисин!

Шу пайт менга бир он тикилиб,  
Сўзларди у: "Мен ҳам дунёни кўрсам!"  
Олам ташвишларини елкамга қўйиб,  
Фарзандларим бағрида қувониб кўрсам.

Дийдорига тўймас, кўзи кўрмас ҳеч,  
Наҳот бу Танграмнинг битта синовви.  
Бардош етгунча курашолса бас,  
Ёруғлик ёритар бу кенг қалбини!

Эй, Танграм, илтижо қилурман яна.  
Шу онам тилаги рўёбга чиқсин,  
Олдида қўйилган нозу неъматинг  
Ўз кўзи, ўз қўли билан олиб еяолсин!

**Зулфия ТАЖИЕВА,**  
ТТБ шошилинч тиббий ёрдам бўлими жарроҳлик блогги ҳамшираси.

**XALQ MINBARI**

МУАССИС:  
Халқ депутатлари  
Беруний туман Кенгаши ва  
Беруний тумани ҳокимлиги

Мақолалардаги факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгар. Икки варақдан зиёд мақолалар қабул қилинмайди. Қўлёзмалар ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.

**Муҳаррир  
Лола ХЎЖАНИЁЗОВА**

Газета 2016 йилнинг 22 августида Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва Ахборот агентлигида №01-074-сонли гувоҳнома билан қайта рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.  
Нусхаси – 1330

ГАЗЕТА ОЙИГА УЧ МАРОТАБА ЧОП ҚИЛИНАДИ. НАШР КЎРСАТКИЧИ-94010

Буюртма № 288  
Ҳажми-1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Босишга рухсат қилинган вақти – 19. 00.

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Навбатчи: **Л. БАЗАРБАЕВА.**

Газета «Қуванчбек-Машхура» МЧЖ босмахонасида чоп қилинди.  
Босмахона манзили: Урганч ш., Ислоҳ Каримов кўчаси, 106 уй.

Таҳририят манзили: 230 200, Беруний шаҳри, «Халқлар дўстлиги» кўчаси, 1-тор кўча, 3-уй. Телефонлар: Муҳаррир: 524-28-38, Ҳисобчи: 524-12-17.

Газетанинг сифатли чоп қилиниши учун босмахона, обуначига вақтида етиб бориши учун почта бўлими ва «МТ» унитар корхонаси жавобгар.